

МУАЛЛИФЛАР МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ ЖАМОАВИЙ АСОСДА БОШҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Худайбердиева Гулнора Аманмуродовна

Тошкент давлат юридик университети
Ихтисослаштирилган филиали доценти,
юридик фанлар номзоди

E-mail: gxudoyberdiyeva@inbox.ru

Аннотация: Мақолада муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқлари, бу ҳуқуқларни жамоавий асосларда бошқариш, ҳуқуқларни бошқарувчи ташкилотларни тузиш тартиби ва уларнинг мақоми ўрганилган. Шунингдек, муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини бошқариш соҳасидаги миллий қонунчилик нормалари шарҳланган. Муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини бошқарувчи ташкилотлар билан муаллифлар ўртасида мунсабатлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *муаллиф, мулкӣ ҳуқуқлар, мулкӣ ҳуқуқларни бошқариш, муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқларини бошқарувчи ташкилотлар, шартнома, ҳуқуқ эгаси.*

ОСОБЕННОСТИ УПРАВЛЕНИЯ ИМУЩЕСТВЕННЫМИ ПРАВАМИ АВТОРОВ НА КОЛЛЕКТИВНОЙ ОСНОВЕ

Худайбердиева Гулнора Аманмуродовна

Доцент Специализированного филиала
Ташкентского государственного юридического
университета, кандидат юридических наук

E-mail: gxudoyberdiyeva@inbox.ru

Аннотация: В статье рассматриваются имущественные права авторов, вопросы управления этими правами на коллективной основе, порядок создания и статус организаций по управлению авторскими правами. Прокомментированы нормы национального законодательства в сфере управления имущественными правами авторов. Анализируются взаимоотношения между организациями управляющими авторскими правами и авторами.

Ключевые слова: *автор, имущественные права, управление имущественными правами, организации по управлению имущественными правами авторов, договор, правообладатель.*

FEATURES OF MANAGEMENT OF AUTHORS' PROPERTY RIGHTS ON A COLLECTIVE BASIS

Khudaiberdieva Gulnora

Specialized branch Tashkent State Law University
Associate professor
Ph.D. in Jurisprudence

E-mail: gxudoyberdiyeva@inbox.ru

Annotation: The article addresses the property rights of authors, its management issues on a collective basis, procedure for establishing copyright management organizations and their reputation. Also, national legislation norms in the field of management of property rights and the issues of relationship between copyright management organizations and authors are discussed.

Keywords: Author, Property Rights, Management of Property Rights, Property Rights Management Organizations, Treaty, Copyright Holder.

Фан, адабиёт ва санъат асарларининг муаллифлари, ижрочилар, фонограмма тайёрловчилар ёки бошқа ҳуқуқ эгалари ўз мулкӣ ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарадиган ташкилотлар тузишга ҳақлидир.

Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарадиган ташкилотлар нотижорат ташкилотлари ҳисобланади ва ўз устави асосида фаолият кўрсатади. Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Айни вақтда Т.М.Туребеков нодавлат ташкилотларнинг эркин ва фуқароларнинг хоҳиш-истаги билан тузилиши унинг демократик институт эканлигини кўрсатади.[1] Ўзбекистонда эса олтита шундай ташкилот мавжуд. Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларнинг уставлари Ўзбекистон Республикасининг "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонун талабларига жавоб берадиган қоидаларни ўз ичига олган бўлиши керак. Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларнинг фаолиятига нисбатан рақобат тўғрисидаги [қонунчиликда](#) назарда тутилган чеклашлар қўлланилмайди.

Олимлар ўртасида муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини бошқариш тўғрисида турлича қарашлар мавжуд. Масалан, И.Насриев муаллифлик ҳуқуқи субъектлари ҳуқуқларини бошқариш билан шуғулланиш ўзига хос институт, деган фикрни билдирса[2], О.Оқюлов бундай ҳуқуқларни бошқаришни ўзига хос тамойилларга асосланган ташкилий тизимнинг бир бўғини деб ҳисоблайди[3]. Кўпчилик олимлар эса муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга тегишли муаллифлик ҳақлари йиғиш ҳамда тақсимлаш масаллари билан ижодий уюшмалар шуғулланса бўлади, деб ҳисоблайдилар деган фикрга қўшилиб бўлмайди.

В.Л.Чертков, В.И.Чернишева ва бошқалар ижодий уюшмаларнинг ваколати фақат уюшма аъзоларига тааллуқли бўлгани ҳолда уюшма аъзоси бўлсагина муаллифларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига путур етади, деб ўқтирадилар[4].

Муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар ўзи қайси ҳуқуқ эгаларининг номидан иш кўраётган бўлса, шу ҳуқуқ эгаларининг номидан ва улардан олинган ваколатлар асосида тегишли ҳуқуқларга эга бўлади.

Муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқлари бошқарилиши учун қонунда белгиланган ҳолларда бу ҳуқуқлар ўзгаларга ўтказилиши учун етарли ҳуқуқий асослар белгиланган бўлиши лозим. Амалдаги қонунчиликда ҳам, халқаро-ҳуқуқий актларда ҳам муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини муҳофаза қилишда энг таъсирчан восита сифатида муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий бошқариш тан олинади.

Юридик ва жисмоний шахслар қонунда кўрсатилганидан ташқари ҳолларда, асардан фақат ҳуқуқ эгаси ёки бошқа ваколатли шахс билан тузилган шартномага биноан, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар билан тузилган шартномага биноан ёхуд улар бўлмаган тақдирда, бу ташкилотларнинг вазифалари ва мажбуриятларини бажарувчи ташкилот билан тузилган шартномага биноан фойдаланишлари мумкин.

Муаллифнинг асардан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлари асардан фойдаланишга рухсат бериш ёки бундай ҳаракатларга рухсат бериш ҳуқуқини англатади. Агар, чоп этилган асарнинг нусхалари уларни сотиш ёки мулк ҳуқуқини ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш орқали фуқаролик муомаласига қонуний киритилган бўлса, уларни келгусида муаллифнинг розилигисиз ва унга ҳақ тўламасдан тарқатишга йўл қўйилади.

Амалдаги қонунларга асосан муаллифлик ҳуқуқлари муаллифлик шартномаси ва ҳуқуқий ворислик тартибида учинчи шахсларга ўтади. Муаллиф ҳуқуқлари қонун бўйича, васият бўйича, мерос тариқасида ворислар томонидан қабул қилиниб олиниши мумкин. Аммо, ўзининг таркиби жиҳатидан мураккаб бўлган муаллифнинг барча ҳуқуқлари ҳам мерос тариқасида ворисларга ўтиши ёки ўтмаслиги тўғрисидаги масалада ҳуқуқий адабиётларда кенг мунозаралар билдирилган. Бу масалада ривожланган давлатлар тажрибасидан унумли фойдаланиш самара бериши мумкин.

Агарда, миллий қонунчиликда у-ёки бу норма, қоида белгиланмаган бўлса, халқаро ҳуқуқ нормалари тўғридан-тўғри қўлланади. Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги халқаро шартномаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали миллий қонунчилик ва халқаро шартнома қоидалари бир хиллашади ҳамда чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида коллизия (тўқнаш) масалалар ўз ечимини топади[5].

Бугунги кунда дунёда муаллифлар ва ижрочилар мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарадиган 200 дан ортиқ ташкилот мавжуд. Дунёда муаллифлар ва бошқа субъект эгаларининг тегишли ҳуқуқларини бошқариш мақсадида кўплаб ташкилотлар тузилган. Англияда Оммавий ижрочиликда ҳуқуқларни бошқариш жамияти (PRS), Австрия Ижрочилар ҳуқуқларини жамоа бўлиб бошқарувчи жамият (LSG), Буюк Британия муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланишга лицензия бериш Агентлиги (CLA), Австрия ижрочилар жамияти (OSTIG), Австрия эфир орқали узатиш бўйича жамоа бўлиб бошқарувчи ташкилот (VG RUNDfunk), Австрия аудиовизуал соҳада ҳақ йиғиш бўйича жамият (VAM), Нидерландия кабел орқали аудиовизуал асарларни фойдаланиш ҳуқуқини ўтказувчи жамият (SEKAM), Германия Ижрочилар ҳуқуқларини жамоа бўлиб бошқарувчи жамият (GVL), Швеция актёрлар ва мусиқачилар иттифоқи (SAMI) ва бошқалар.

Ҳуқуқ эгаларининг турли ҳуқуқлари ва турли тоифалари бўйича алоҳида ташкилотларни ёки бир тоифадаги ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини кўзлаб турли ҳуқуқларни бошқарувчи ташкилотларни ёхуд турли тоифадаги ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини кўзлаб, ҳуқуқларнинг бир турини бошқарувчи ташкилотларни тузишга йўл қўйилади.

Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқариш учун ваколатлар бевосита ҳуқуқ эгалари томонидан ихтиёрӣ равишда ёзма шартномалар асосида, шунингдек мулкӣ ҳуқуқларни бошқаришни амалга оширувчи бошқа ташкилотлар (шу жумладан чет эл ташкилотлари) билан тузилган тегишли шартномалар бўйича берилади.

Муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгаси мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотга шартнома бўйича ўз мулкӣ ҳуқуқларини амалга ошириш учун ваколатлар беришга ҳақлидир, ташкилот эса, агар бундай ҳуқуқларни бошқариш шу ташкилотнинг уставида кўрсатилган фаолиятига тааллуқли бўлса, бу ҳуқуқларни жамоавий асосда амалга оширишни ўз зиммасига олиши шарт. Муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгаси ўз мулкӣ ҳуқуқлари ёки ҳуқуқини амалга ошириш ваколатларини тегишли тоифадаги ҳуқуқ эгаларининг мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарувчи фақат битта ташкилотга беришга ҳақлидир.

Ҳақ миқдори ва фойдаланувчилар билан асарлардан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш учун шартнома тузиш шартлари, йиғилган ҳақни тақсимлаш ва тўлаш усули ҳамда мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот фаолиятининг бошқа муҳим масалалари хусусидаги қарорларни қабул қилиш фақат муаллифлар ёки бошқа ҳуқуқ эгалари томонидан умумӣ йиғилишда коллегиял тарзда амалга оширилади.

Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот ҳуқуқ эгаларидан олинган ваколатлар асосида фойдаланувчилар билан асарлардан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш учун шартномалар тузади. Шартномаларнинг шартлари фойдаланиладиган асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг тури ва ҳажмига қараб аниқланадиган битта тоифадаги барча фойдаланувчилар учун бир хил бўлиши керак. Мазкур ташкилотлар фойдаланувчилар билан шартномалар тузишни етарлича асосларсиз рад этишга ҳақли эмас. Бундай шартномалар уларда назарда тутилган усуллар билан барча асарлардан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланишга рухсат беради ҳамда барча ҳуқуқ эгаларининг, шу жумладан ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва олтинчи қисмларига мувофиқ ташкилотга ваколатларини бермаган ҳуқуқ эгаларининг номидан ҳамда уларнинг манфаатларини кўзлаб тақдим этилади.

Ҳуқуқ эгаларининг фойдаланувчиларга нисбатан бундай шартномалар асосида уларнинг асарларидан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш билан боғлиқ барча эҳтимол тутилган мулкӣ эътирозлари шартномалар тузган мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот томонидан тартибга солиниши керак.

Асарлардан муаллифлик шартномаси асоси орқали фойдаланишда муаллиф ва фойдаланувчи билан бирга жамиятнинг қолган аъзолари ҳам манфаатдор бўлиши мумкин. Сабаби, бу жараён

жамиятнинг ижодий активлигини ва бу орқали уларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини оширишга муҳим туртки бўлади[6].

Фойдаланувчилар мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларга асарлардан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек ҳақни йиғиш, тақсимлаш ва тўлаш учун зарур бўладиган бошқа маълумотлар ҳамда ҳужжатларни тақдим этишлари шарт. Маълумотлар ва ҳужжатларнинг рўйхати мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар фойдаланувчилар билан тузадиган шартномаларда белгиланади.

Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар жамоавий асосда бошқариш учун олинган асарлардан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланишни амалга оширишга ҳақли эмас. Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот ўзи қайси ҳуқуқ эгаларининг номидан иш кўраётган бўлса, шу ҳуқуқ эгаларининг номидан ва улардан олинган ваколатлар асосида қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

тўланадиган ҳақ миқдорини ва шартномаларнинг тузилишига доир бошқа шартларни фойдаланувчилар билан келишиб олиш;

бундай ташкилот бошқараётган ҳуқуқлардан фойдаланиш учун фойдаланувчилар билан шартномалар тузиш;

ташкилот тўланадиган ҳақни йиғиш билан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда шартнома тузмасдан шуғулланган тақдирда, бундай ҳақ миқдорини фойдаланувчилар билан келишиб олиш;

шартномаларда назарда тутилган ҳақни ва (ёки) ушбу қисмнинг [тўртинчи хатбошисида](#) назарда тутилган ҳақни йиғиш, тақсимлаш ва тўлаш;

бундай ташкилот ўзи бошқараётган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун зарур бўладиган ҳар қандай юридик ҳаракатларни бажариш;

шундай ташкилот томонидан белгиланган тартибда асарларни ва (ёки) турдош ҳуқуқлар объектларини, шунингдек асарларга ва (ёки) турдош ҳуқуқлар объектларига бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатга олишни ва (ёки) сақлашга топширишни амалга ошириш.

Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот ҳуқуқ эгалари билан тузилган шартномалар асосида ва қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқараётган ташкилот:

ҳақ тўлаш билан бир вақтда ҳуқуқ эгаларига уларнинг ҳуқуқларидан фойдаланилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳисоботларни тақдим этиши;

қонунчиликка мувофиқ йиғилган ҳақдан фақат ҳуқуқ эгаларига тақсимлаш ва тўлаш учун фойдаланиши. Бунда ташкилот йиғилган ҳақдан бундай ҳақни йиғиш, тақсимлаш ва тўлаш бўйича ўзининг ҳақиқий харажатларини қоплаш суммаларини, шунингдек шу ташкилот томонидан ўзи қайси ҳуқуқ эгаларининг номидан иш кўраётган бўлса, шу ҳуқуқ эгаларининг розилиги билан ва уларнинг манфаатларини кўзлаб ташкил этиладиган махсус фондларга йўналтириладиган суммаларни чегириб ташлашга ҳақлидир;

йиғилган ҳақ суммаларини, ушбу қисмнинг [учинчи хатбошисида](#) назарда тутилган суммаларни чегириб ташлаган ҳолда, асарлардан ва турдош ҳуқуқлар объектларидан амалда фойдаланилишига мутаносиб равишда тақсимлаши ва мунтазам тўлаб бориши;

йиғилган ҳақни бевосита ҳуқуқ эгаларига тақсимлаши ҳамда тўлаши ва (ёки) уни ҳуқуқ эгаларига тақсимлаш ва тўлаш учун тегишли тоифадаги ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини фойдаловчи бошқа ташкилотларга шу ташкилотлар билан тузилган келишувлар асосида ўтказиши;

талаб қилиб олинмаган ҳақни ҳуқуқ эгаларини қидириш чораларини кўрган ҳолда, у ташкилот ҳисобига тушган санадан эътиборан уч йил мобайнида сақлаб туриши шарт. Кўрсатилган муддат тугагач, ташкилот талаб қилиб олинмаган ҳақни тақсимладиган суммаларга қўшиб юборишга ёки уни ташкилот ўзи қайси ҳуқуқ эгаларининг номидан иш кўраётган бўлса, фақат шу ҳуқуқ эгаларининг розилиги билан ва уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа мақсадларга қаратишга ҳақлидир. Мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот зиммасида ҳуқуқ эгалари билан тузилган шартномалар асосида ва қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Мулкый ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш махсус ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади¹. Махсус ваколатли давлат органи мулкый ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотдан унинг фаолияти ўз уставига ва қонунчиликка мувофиқлигини текшириш учун зарур бўлган қўшимча ахборот талаб қилиб олишга ҳақлидир[7].

Мулкый ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот махсус ваколатли давлат органига қуйидаги ахборотни тақдим этиши шарт:

ташкilotнинг уставига киритилган ўзгартишлар тўғрисида;

ташкilot шунга ўхшаш ҳуқуқларни бошқарувчи чет эл ташкilotлари билан тузадиган икки томонлама ва кўп томонлама битимлар тўғрисида;

умумий йиғилиш қарорлари тўғрисида;

йиллик баланс, йиллик ҳисобот, шу жумладан талаб қилиб олинмаган ҳақлар ҳақидаги маълумотлар ва ташкilot фаолиятининг аудиторлик текшируви тўғрисида;

ташкilot номидан иш кўришга ваколатли шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми тўғрисида.

Юқоридагиларга кўра қуйидагича хулоса қилиш мумкин. Муаллифлар мулкый ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкilot ҳуқуқ эгалари билан тузилган шартномалар асосида ва қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Мулкый ҳуқуқлар ҳам миллий қонунчилик орқали, ҳам халқаро нормалар орқали муҳофазага олинади, бу ҳуқуқлар давлатларо халқаро-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳисобланади.

Бугунги кунда республикаимизда мулкый ҳуқуқларни жамоавий бошқарувчи ташкilotларни тузиш зарурати мавжуд. Республикаимиз ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятлари бажарилиши учун муаллифлар мулкый ҳуқуқларини жамоавий бошқаришга қаратилган ташкilotлар дунёнинг худди шундай ўхшаш ташкilotлари билан икки томонлама шартномалар тузиши, халқаро-ҳуқуқий муҳофазада иштирок этиши лозим.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Туребеков Т.М. Общественные объединения как субъекты гражданского права: Автореф.дис.канд.юрид...наук.-Т.: ТГЮИ, 2000.-С.19.
2. Фичор М. Коллективное управление авторским правом и смежными правами. -Женева.: ВОИС, 1990.
3. Насриев И.И. Муаллифнинг шахсий ҳуқуқларини ҳимоялаш.-Т.: Меҳнат, 2003.-Б.145-153.
4. Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари.-Т.: ТДЮИ, 2004.-Б. 273-274.
5. Тошев Б. Интеллектуал мулк ҳуқуқига оид қонунчиликни тизимлаштириш ва кодификация қилишнинг назарий ҳамда амалий масалалари. Интеллектуал мулк ҳуқуқи қонунчилигини такомиллаштириш: назария ва амалиёт муаммолари мавзусида ўтказилган республика илмий амалий конференцияси материаллари. -Т.: ЮМОМ, 2021.
6. Юлдашов А. Муаллифлик ҳуқуқини амалга оширишда шартномавий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва унинг иқтисодиётдаги ўрни. Интеллектуал мулк ҳуқуқи қонунчилигини такомиллаштириш: назария ва амалиёт муаммолари мавзусида ўтказилган республика илмий амалий конференцияси материаллари. -Т.: ЮМОМ. 2021.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуни.//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 260-мо

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонуни.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 260-модда.